

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 37 (66266)
2000 йил 14 сентябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда



Биз янги ўкув йилини катта таштапалар билан бошладик. Август кенгашининг ялпи йиғилиши август фестивалига, шунингдек мустақиллик байрамига уланиб кетди. Бу тадбирнинг ўтган йиллардаги байрамлардан фарқи шу бўлди, халқ таълими мустасади-

ИҚТИДОРЛИ ЎКУВЧИЛАР, КАСБ-ХУНАРЛИ ЁШТАР

лари ўкувчилари мизнинг билимларини янада ошириш мақсадида янги ташаббус билан чиқдилар. Ушбу ташаббус туфайли вилоятимизда янги ўкув йилини «Ўкувчиларнинг иқтидорини аниқлаш ва касб-хунарга йўналтириш» йили деб ёълон қилинди. Хозирги кунда ўкувчи ёшлиаримизнинг иқтидорига қараб ихтисослашган мактабларда таълим олишларига маклашиб ва касб-хунарга йўналтириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ўзга вилоятлардан фарқли ўларок бизда ҳар ойнинг учинчи душанба куни «Мактаблар куни» ўтказилади. Бундан асосий мақсад вилоятимиздаги ташкилотларни илм даргоҳлари га ҳомийликка чорлаш. Бугунги кунга қадар мактабларимизга 400.000.000 сўмлик ҳомийлик ёрдами киритилди. Вилоятимиз бўйича 528та мактаб бўлиб, 335000 нафар ўкувчилар таълим олмоқдалар. Уларга 26000 фидоий устоз ва муаллимлар сабоқ бермоқдалар. Талайгина фаол ўкувчиларимиз борки, улар билан фаҳранана-

ЎЗИМИЗГА ҲИСОБ БЕРАЙЛИК

Қишлоқда тонг отди. Қишлоқ кишилари қўёшдан эрта уйғонишади. Мен ҳам ҳар тонг “Ассалом қутлуғ тонг, ассалом бобо қўёш”, - деб уйғонаман.

Мана, таътил ҳам тугаб, жонажон мактабимиз бизни ўз кучогига олди. Айни кунларда ўз-ўзимга “Таътилни кўнгилдагидек ўтказдимми?”, - деган савол бердим.

Ҳа, таътил мен хоҳлагандек ўтди. Укам ўткир билан бирга дала ишларини қилдик. Полиз экинларига қарадик. Буғдойларни йигиштириб олдик. Чорва моллари боқдик. Бу сўзларим айрим тенгдошларимга ғалати туюлиши мумкин. Тўғри, ҳар бир меҳнат машаққатли, бироқ унинг кети албатта лаззатли бўлади.

Бу юмушлардан ортиб Шаҳодат Мўминова раҳбарлигидаги тикувчилик тўғрагига ҳам қатнадим. Тўғрақда миллӣ либослар тикиб, уларга безак беришини ўргандик. Янги ўкув йили учун ўзимга, опамга, онамга мактаб формасини ҳам тиқдик.

Укам ўткирнинг эса йигирмата товуғи бор эди. Шулардан утаси курка бўлди ва ўн еттита жўжа очди. У жўжаларини яхшилаб боқиб, янги ўкув йили учун китобдафттар сотиб олди.

Биз бу ишимиз билан оиласизга, ота-онамизга озгина фойдамиз текканидан хурсанд бўлдик. Истардимки, барча тенгдошларим қилаётган ишлари юзасидан ўз-ўзига ҳисоб бериб турсалар.

Мўътабар ЖУМАЕВА,

Навониј вилояти, Қизилтепа туманидаги 37- лицей-интернатининг 9-синиф ўкувчиси.

Бухоро вилояти Ҳалқ таълими бошқармаси бошлиги МУХТОРОВ Салим Гуломовичнинг сўзларини Муҳаррама ПИРМАТОВА ёзиб олди.



Биз қишлоқда яшаганимиз учун ҳар йили пахта йигим-терим даври энг масъулиятли дамлар эканлигини биламиз. Мактабимиз ёнгинасида пахтазор бор. Танаффус пайтида оппоқ бўлиб очилган пахтазорни кўриб қувондим. Дарсдан кейин лўппи-лўппи бўлиб турган пахталарни тергим келди.

Зумрад опа билан пахта даласига бошиб, этак тутиб, пахта теришга аҳд қилдим. Бизни дала бошида бригадир амаки кутиб олдилар. Мени эса “ёрдамчи ўғлим” деб эркаладилар. Кенг далада, басма-басига ишлаётган опа-сингилларни меҳнат қилишашётганини кўриб, мен ҳам пахта териимиға тушдим. Қатор оралаб пахталарни терар эканман, аввалига роса қизиқдим. Соат сайнин зерикаб, пахта териш машаққатли иш эканлигини англадим. Зумрад опам



ЯНГИ ЎКУВ ҲАДДИ ТУВОРАК!

Юртимизда турли байрамлар кўп. Шу қаторда биз учун энг ардоқли ва қадрли бўлган мустақиллик байрами жуда-ям ўзгачадир. Мустақиллик куни кириб келиши билан мактабларда, колледжларда, ўкув юртларида ўқишилар бошланб кетади.

Мактабимизда янги ўкув йилига бағишилаб тадбир ўтказдик. Тадбирда 9-“А” ва 9-“Б” синиф ўкувчилари биринчи синфга чиқсан ўкувчиларни табриклидилар. Устозларимиз ҳам ўз навбатида барчамизни байрам билан қутлаб, бизга ўқишиларимизда омад тиладилар.

**Ахор АҲМЕДОВ,
Собир Раҳимов туманидаги 11-мактабнинг 9-синиф ўкувчиси.**

Сентябр ҳосил йигим-теримга бой бўлган кунлар.

Бўлсалар, бугун ёрдамчи бор деб, хурсанд эдилар. Мендан худди паҳтакор чиқаётгандек қувонар эдилар. Афус 4-5 соат ичиди атиги 5 килограмм пахта терибман, холос. Шунинг учун ўзимни

дангасаман деб ҳам қўйдим.

Чунки ўқишида ва ишда чаққон бўлиш

мехнатсевар деб ном олишнинг энг қулай йўли экан-да. Хуллас, паҳта йигим-теримида ҳақиқий меҳнатсеварлар аниқланадиган палла экан. Мен эса меҳнатсевар бўлиш учун кўп куч тўплай олишимга имкон яратаман, деб ўзимга-ўзим ваъда бердим.

**Достон ЙИГИТАЛИЕВ,
Фарғона вилояти,
Учқўпприк туманидаги 9-ўрта мактабнинг 2-синиф ўкувчиси.**



БҮЛГИНИНГ НИГОХИ

Ҳалиги саволимни киноя тарзиди қабул қилишмасин. Лекин тан олмоқ лозим: бизнинг шарофатли давримизда ҳам кўпгина савобли ишлар қилинмоқда. Мисол учун жонажон Ўзбекистонимиз пойтахти Тошкент шаҳрини олайлик. Мустақиллик йиллари ичida пойтахтимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шаҳар янада кўркамлашиб, обод бўлиб бормоқда.

Ёки, Гулистон шаҳрини олай-



лик. Вилоятнинг аввалги ҳокими уни ҳақиқий гулистонга айлантириб юборган. Ҳа, отасига балли!

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, очигини айтишимиз шарт: азал-азалдан лиммо-лим зилол сувлари оқиб ётган ариқларимиз аянчли аҳволда чиқиндилар манбаига айланиб қолди. Бу эса экологик томондан заарли. Биз ариқ қаздириш ўрнига борларини ҳам эҳтиётлай олмаяпмиз.

“Кутубхоналарнинг аҳволи эса ҳаминқадар... Кўпчилиги тижорат дўконларига айлантирилган. Фаолиятдагиларида эса керакли китоблар йўқ ҳисоби. Айниқса, лотин алифбосидаги китоблар!.. Гапим тўғрими? Ростини айтиш керак-да!

ХОДИРА БЎЛИНМАЙДИ

Бизда ҳам Навоий раҳнамолик қилган “Холисия” уйларига ўхашаш гўшалар мавжуд. Улар давлат таъминотида бўлиб, «Меҳрибонлик уйлари» деб аталади.

Сиз Меҳрибонлик уйига ҳеч борганимисиз? Шундай, ҳол-аҳвол сўрагани ёки болалар билан танишгани? Йўқми? Мен эса у ерда кўп маротаба бўлганман. Қандай қилиб дейсизми? Чунки мен ёз мавсумларидан бирида Кўқон шаҳридаги “Навбаҳор” аталмиш болалар дам олиш масканнида уларга тарбиячилик қилганман. Афсуски, эндиликда аввалги дам олиш масканнинг номигина қолган, холос. Ҳудудининг тент ярми янги 33-мактаб қурилишига ажратиб берилди. Қолган қисмида эса “Ёш ўлкашунос-лар” маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу марказ ҳам ўз фаолиятини худди дам олиш масканни қаби тақа-тақ тўхтатган. Ана сизга болалар дам олиш масканнинг аянчли “тақдир”и! Ўша мактаб ёки марказ учун бошқа ер қуриб кетганимид? Қандай дам олиш масканни ёди-я... Лекин, хотирани бўлиб бўлмайди! Болалар билан ўтган кунларим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

КАДРДОНЛАРНИ**ИЖЛЯБ...**

Ўша - “Навбаҳор”да ишлаб юрган пайтларимда 12-болалар Меҳрибонлик уйи ҳудудида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганилиги сабабли унинг тарбияланувчиларини бизга юборишган эди. Биз уларни

Моҳийдаҳи лавҳа

“У саройда бош вазир бўлиб, кўпгина ҳалқарварлик сиёсатини амалга оширишга уринди... Шаҳарларни обод қилдирди, ариқлар қаздирди, кутубхоналар қурдирди...”

Мен бу жумлани қайси китобдан олдим, биласизми? Бу сатрлар кимга бағишлиланган?

Топдингизми? Шаҳар берасизми? Майли, шаҳарсиз ҳам айтаверман: юқоридаги жумла сиз учун билим манбаи бўлган ёдабиёт дарслигидан олинган. У - буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳақида. У киши ҳаттоқи етим-есирлар учун “Холисия” сағирлар уйи қурилишига ҳам раҳнамолик қилган эканлар. Мазкур мурувват гўшаси давлат ва саҳоватпеша кишилар томонидан моддий таъминланишида бўлган.

Биз ҳам ҳазрат Навоийдек, ўша оқибатли инсонлардек иш юритаипмизми? Биз уларга муносабимизми?

мехр билан бағримизга олдик. Шуннинг учун ҳам мен уларни йўқлаб бориб тураман.

Э, улар билан қадрдан бўлиб кетганимиз! Бугун ҳам улардан бироров хабар олай деб кирдим. Менинг яқинларим - Собит, Андрей, Наташа, Муҳаммаджон, Ренатлар...

либ қолишиларининг асосий сабаби нимада?

- Оиласдаги носозлик ва тарбиявий муҳитнинг чатоқлиги.

- Тушунмадим?

- Ичкиликбозлик ва гиёхвандлик ҳар бир оиласа путур етказади. Баъзида кўча-куйда кўзлари қизариб,



Улар 45 нафар эди. Ҳозирда улар бу ердан мустақил ҳаёт сари йўл олишган. Лекин, баъзиларининг укалари шу ерда тарбияланishiadi. Мен улардан ҳол-аҳвол сўраб, опакалари ҳақида маълумот олиб тураман.

БОЛАЛАРНИНГ “ОИИ-ЖОИИ”СИ

Ҳадиси Шарифда: “Савобли ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак”, деган ибратли ибора бор. Мен эса бу ерга аҳён-аҳёнда келиб тураман. Лекин, бу масканнинг раҳбари ҳақиқий одамжонли ва болажонли! Ислами ҳам ишларига мос - Раҳбарой опа! Аниқроғи - Раҳбарой Мирзаева.

Сиз Меҳрибонлик уйи “оийжон”си Хлебушкина ая ҳақида эшитганмисиз? Президентимиз Ислом Абдуганиевич ҳам у кишини она қаторида кўриб, ҳурмат қилар эдилар. Эй, дунёга бир келиб-кетди-да бу Ҳазрати Аёл! Багри тўла меҳр эди... Раҳбарой опа ҳам худди шу кишига ўхшайдилар. Болалардан жонларини ҳам аямайдилар. “Болам, болам, жон болам” деб яшайдилар!

ҲАР БИРИ - ЎЗГАЧА ОЛАМ

-деди Раҳбарой опа ўйчан. - Ҳар бир давринг ўзига хос болалари бўлар экан. Мана, сиз тарбиячилик қилган даврдаги болалар бироз ўйинқароқ бўлишган. Буларнинг укалари эса бошқача олам! Улар билимли бўлиш саодат калити эканлигини яхши тушунишади. Илмга чанқоқ.

- Раҳбарой опа, шундай ақлли ва тиришқоқ болаларнинг бу ерга ке-

мас-алас юрган одам таҳлидидаги кимсаларни кўрсам шу бегуноҳ болажонларим кўз олдимдан ўтади. Дилим фашланади. Бу номақбул кўринишлар кириб борган хонадонда фаровонлик ҳам, саломатлик ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлатимиз қонун йўли билан бундай шахсларни ота-оналик ҳукуқидан маҳрум этади. Чунки инсоний қиёфасини йўқотганлар болаларнинг келажагини таъминлай олмайдилар.

АБДУВАҲОБ ДОМЛАНИНГ БОЛАЛАРИ

- Лекин жуда пайтида келдингизда! - дейди Раҳбарой опа сұхбатимиз мавзуини ўзгаририб.

- Яқинда Меҳрибонлик уйимиз ўзининг 80 йиллик тантанасини ўтказади! Унда чет элда билим олаётган собық тарбияланувчиларимиз ҳам қатнашишади.

- Йўғ-э?

- Ҳа, рост, биласизми, ушбу гўшада қандай улуғ инсонлар тарбия топишган?

- Айтинг-чи.

- Энг аввал уларнинг пушти-паноҳи бўлган Абдуваҳоб домла Ибодиевни эслаб ўтайн. У ушбу масканнинг ташкилланишида беқиёс хизмат кўрсатган. 1917-1920 йилларда шароитнинг оғирлигидан чўчимай етим болалар уйини очган.

- Ҳудди Ҳазрат Навоийга ўхшаба?

- Ҳа-да.

- У кишининг қўлида кимлар вояга етган? - дейман сабрсизлик билан.

- Ҳаммамизга таниқли бастакор Сулаймон Юдаков, Давлат муко-

фоти соҳибаси, Ўзбекистон халқ артисти Розияхоним Каримова, санъатшунослик номзоди Карима Аминбоева, ҳассос шоир Усмон Носир, зукко адабимиз Абдулла Қаҳҳор... Улар кўпчиликни ташкил этади.

- Эҳ-ҳе, тупроғига сажда қилса арзигулик муқаддас жой экан-ку бу ер! Ўзим ҳам ўйловдим-а, нега доим бу маскан менинг ўзига тортаверади, деб!

- Ҳа, шундай. Мўътабар ер бу. Биласизми Собиржон, мен ҳали Абдуваҳоб домла Ибодиев номларини бежиз тилга олганим йўқ. Сабаби бор.

- Хўш?

- 1992 йили Кўқон шаҳар ҳокимлиги домланинг муборак номларини шаҳримиз кўчаларидан бирга бериш, 12 -Меҳрибонлик уйини у кишининг номлари билан аташ тўғрисида қарор қабул қилган эди. Лекин, қарор қоғозда қолиб кетди...

- Эзгуликнинг кечи йўқ. Ажабмаски, 80 йиллик тантанада муносабати билан қарор ўз тасдигини топса! - дейман у кишига таскин бераб.

ЎЧРАДИУВ КУНИ ЯКИН!

Раҳбарой опа билан хайрлашар эканман, эски қадрдонларим билан учрашув дақиқалари яқинлигидан хурсанд бўлиб кетдим! Ахир улар ҳам бўлажак тантанада иштирок этишади-да! Эҳ-ҳе, уларни қанчалик согинганимни билсангиз эди! Шунинг учун ҳам Раҳбарой опа-нинг тантанада қатнашиш ҳақидағи таклифидан бошим осмонга етди!

Дийдорлашиш қандай яхши! Шундай меҳрибон “оийжон”лари чақиришса, улар албатта келишади, тўғрими?

Саҳоват масканни бўлган Меҳрибонлик уйидан чиқар эканман, бу ерда яқин кунларда болалар учун катта байрам бўлишини кўз олдимга келтириб, жилмайиб қўйдим.

Собир ЖАББОР



ДИРСИ-БОЛАР ЧАЛОЖИСАДА

Пойтахтимизнинг "Республика рассомчилик колледжи"да б кун давомида "Осиё мактаблари ҳаёти" кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда япониялик меҳмон Наоя Иноуэнинг тасвирга туширган фотосуратлари намойиш этилди.

Кўргазма давомида мен Наоя Иноуэдан нима учун айнан болалар ҳаётини суратга туширгансиз, деб сўраганимда улар шундай жавоб бердилар:

-Мен оддий ўқитувчиман. Менинг бу кўргазмадан мақсадам, ўқувчиларнинг қизиқишиларини, уларнинг ҳаётини ўз студентларимга яқиндан танишириш эди. Шу қаторда мен Осиёнинг 22 давлатини кезиб чиқиб, кўп инсонлар билан танишиб олдим.

-Жаноб, бу сизнинг Ўзбекистонга илк ташрифинизми?

-Йўқ, мен Ўзбекистонда аввал ҳам бўлганман. Бу сафарим эса иккинчисидир. Менинг кўргазмаларим намойиш этилар экан, жуда кўп томошабинлар ташриф буоришиди. Айниқса, ёшларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Мен томошабинларнинг тасвирга олган суратларим ҳақидаги фикрларини эшитар эканман, бундан кейин ҳам ўз ижодимни нафақат Тошкентда, балки Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида намойиш этишимни режалаштиридим.

-Наоя Иноуэ жаноблари, биринчи тасвирга ту-



ширган суратингизни эслай оласизми?

-Ха, кечагидай ёдимда. Мен Хиндистоннинг Деҳли шаҳрига борганимда 80 ёшли қария 60 ёшида фарзандидан ажралиб, ўзининг пуллари га мактаб очганини айтиб берган эди. Ана шу ўқитувчининг болаларга дарс ўтаетганини олган суратим менинг илк ижодимдир. Менинг бунга қизиқишиларни сабаби шуки, Японияда бундай ўз пулига мактаб очадиган инсонлар ийќ десам ҳам адашмайман...

-Ўзбекистонга ташриф буоришингизда сизга ким кўмаклашиб турди?

-Менга кўмаклашган инсонлар кўп. Улардан "Ўзбекистон Республикаси бадиий академияси", "Софлом авлод учун" ҳалқаро хайрия жамғармаси ҳамда "Халқ таълими вазирлиги". Бундан ташқари мени кўллаб-куватлаб турган асосан Япония Ташки Ишлар Вазирилиги.

Кўргазма ёпилиши куни Наоя Иноуэ Республика Рассомчилар коллежининг Президенти Турсунали Кўзиев ҳамда ушбу коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳусан Рашидовичга ўз фотосуратлари жамланган китобини тақдим этиди. Шу ўринда коллеж ўқувчилари ўз қўллари билан ишлаган намуналарни япониялик меҳмонга тақдим этдилар.

НИГОРА тайёрлади.

"НЕПТУН" БАЙРАМИ

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги Мирзо Улугбек шаҳарчасидаги "Сузиш ҳовузи" да анъанага айланган "Нептун" байрами ўзгача тарзда ўтди. Байрам бошланишидан олдин, ҳовуз раҳбари Алексей Иванович байрам ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирилар.

Болажонлар рақсга тушиб, қўшиқлар куйладилар. "Нептун" спектакли ҳам тақдим этилди. Нептун ролида шу ҳовуз раҳбари Алексей Иванович эди...

Айниқса ўғил болалардан тузилган "Софломлаштириш" гурӯҳи аъзоларининг рақслари ҳаммага қувноқлик баҳш этиди.

Сўнгра "Нептун"чилар катта-кичик болалар сув юзида турли сузиш ўйинларини намойиш этишди. Бу байрам барчага бирдек маъқул бўлди.

**Умидахон ЭГАМБЕРДИЕВА,
Қиброй туманидаги Мустақиллик маҳалласи,
Гулзор кўчаси.**

- Ўтилар ичидан ташқари чиқма. Биронта одам сени олиб кетади. Ундан кейин мансиз ҳолинг нима кечади, - дер экан.

Мушукча ҳам онасининг айтганини қилиб, хеч қаёққа чиқмас экан. Бир куни онаси хеч қаёққа чиқмаслик кераклигини айтиб, ўзи кўчага чиқиб кетибди. Кета туриб айтибди:

- Болагинам, мен сенга овқат топиб келаман, хеч қаёққа чиқмай, мени кутиб ўтири.

Мушукча онасининг айтганини қилиб, жим ўлтираверибди.

Лекин онаси ҳа деганда кайтиб кела қолмабди. Бир кун ўтиби, иккى кун ўтиби, уч кун ҳам ўтибди, онасидан дарак бўлмобди.

САРИК МУШУКЧА

Сарик мушукчанинг корни очиб, миёвлайверибди, миёвлайверибди. Лекин ўтилар орасидан ташқарига чиқмабди. Отхонанинг кўчага очиладиган эшиги олдига болалар келиб чақиравмиш, лекин сарик мушукча кўриниш бермас эмиш. Ниҳоят очлик унинг жонидан ўтибди. «Таваккал, - деб ўйлабди у. - Ташқарига чиқойчи, балки болалар ёмон эмасдир. Менга нон-пон берар».

У шундай хаёл билан ўтилар орасидан чиқиб, ташқарига мўралабди. Қараса бир қўлида қаттоқон

Зирапча

ЭЧКИГА ЖОН ҚАЙФУСИ...

Хозирги тезкор замонамизда транспорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган. Ҳар куни ота-оналаримиз хизматга, бизлар ўқишига ошиқамиз. Шунда бизга ўловчи ташувчи транспорт воситалари асқотади. Узогимизни яқин қилаётган ҳайдовчи амакиларимиздан миннатдормиз, албатта.

Лекин "Гуруч курмаксиз бўлмаганидек" ҳалол, виждонли ҳайдовчиларимиз орасида ўзманфаати йўлида йўловчиларни ранжитиб кўядиганлари ҳам учраб туради.

Тунов куни бир юмуш билан кичик микроавтобусга чиқдим. Мен чиққанимда автобуснинг ичи деярли тўла эди. Микроавтобус ҳар бекатда тўхтаб, яна одам ола бошлади. Аҳвол шу даражага етдики, торгина автобус ичидан ҳатто тургани жой қолмади. Куннинг иссиғидан нафас ҳам олиб бўлмасди. Йўловчилар асабийлашиб: "Жой ийќ-ку, яна нимага тўхтаисан?", "Эчкига жон қайғуси, қассобга мой" деганлашири шу экан-да, дея эътиroz билдира бошладилар. Ҳайдовчининг эса парвойи палак. Каттароқ автобусларни-ку гапирмаса ҳам бўлаверади, аҳвол бундан беш баттар. Бекатга етганда эса тушадиганлардан йўлкира ҳақини тўлиқ беришларини талаб қилишади. Лекин уларнинг қай аҳволга етиб келганликлари билан ишлари ийќ. Бундай аҳволни қишининг совуғида ҳам ёзинг иссиғида ҳам учратиш мумкин.

Бу гапларимни газета орқали ўқиб, ана шундай нафс бандасига айланган ҳайдовчи амакиларимиз ўзларига тегишли хуносалар чиқариб олишар, уларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилар, деб ўйлайман.

**Мазмұна АКРОМОВА,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон тұманидагы
Содиқжон Азизов номли
15-мактаб ўқувчisi.**

Талаба илҳоми

ОНА ЮРТИМ

Дунё бўйлаб номинг улуғ...

Шоду хуррам ҳар одам.

Бизницидек осойишта,

Тинч яшасин кенг олам.

Тинчлигингни кўролмай,

Суқулиб кирди ганим.

Бевақт кетди ўғлонлар,

Дея: « Фидо жон-таним».

Дилга оғриқ солди, ох!

Үн иккита паҳлавон.

Халқим бағри қон бўлди,

Оналар чекар фифон.

Оғирдир фарзанд доди,

Тўзғир она хаёли.

Бевакт ёрдан ажралиб,

Маъюс йиглар аёли.

Конхўр неларга етдинг?

Жаҳаннам сари кетдинг.

Оқ суту туз кўр қиласар,

Сен халқинга тош отдинг.

Нонкўр юртфурушларга

Лаънат ёғар тилларда.

Жон фидо қиласар аскар,

Ёди мангут дилларда.

Шаҳло МУТАЛОВА.

Азиз АБДУРАЗЗОК

кўғирчокни қучоқлаб олган қизалоқ турган эмиш. У сарик мушукчанинг кўлига олиб силай бошлабди. Бу мушукчага жуда ҳам ёкибди. У ўйлабди: «Одамлар онам айтгандай ёмон эмас экану».

Кизалоқ мушукчанинг кўлига олиб кетибди. Унга сут билан нон берибди. Мушукчана сутга бўктирилган нонни мазза қилиб еб олибди. Уша кундан бошлаб сарик мушукчанинг кўлига олиб кетибди. Келтанида озиб-тўзиб, кичкина бўлиб қолган сарик мушукчанинг кўлига олиб кетибди.

У ҳар замон ўйлар экан: «Одамлардан кўркиш келар эмас экан». Одамлар бизнинг дўстимиз экан».

Уни энди кўрсангиз сарик мушукчанинг демайсиз. Сарик мушукчанинг кўлига олиб кетибди. Чунки у вақт ўтиши билан ўйлабди, ўзининг ота-онасидан ҳам котта бўлиб кетибди.

Мактаб саҳнаси

КОВУН САЙЛИ

Зал байрамона безалган, марказий деворда, куз фасли тасвирланган табиат манзаралари, тоғлар, дарё, тоғлар устида күёш чикиб туриди.

Дараҳтнинг баргари түқилган, ерга тушгани тасвирланган.

Марказий девор олдига «Сотув пештоклар» кўйилади ва устига ковунлар терилади, ҳар бир ковуннинг нави ёзилади ва олдида битта совдогар туради.

2-та жарчи югуриб киради:
-Э-хе-хей, э-хе-хей,
Одамлару, одамлар,
Завқку-шавкка ҳамдамлар!

Эшиятмадим деманглар,
Жума куни - 19 сентябрда

Катта тадбир бўлади,
Бизнинг мактабда,
«Қовун сайли» бўла-

ди.
Рақс этишар товла-

ниб,
Қалблари оловла-

ниб,
Янграйди жаранг

созлар!
Э-хе-хей, э-хе-хей!
(Карнай-сурнай садо-

лари остида болалар

залга кириб келадилар

ва ўз стулчалари олди-

да гўхтайдилар).

Бошловчи: Асса-

лому слайкум, ҳурматли меҳмонлар ва

жажжи кичинтоялар.

Мана бугун бизнинг ўлкамизга «Куз

фаслининг» энг ажойиб ва ширин даври келиди, мевалар пишибди, сабзавотлар терилган, қовун ва тарвузлар етилиб пишган, мана биз ҳам шу ерда «Қовун сайли»ни ўтказишига йигидик, келинг, биргаликда шод ва қувноқлик билан ярайлик бу сайдла!

Қўшик:

Ўйнап сочи жамалаклар,
учади шўх капалаклар,
Ўйнайди-ё, ўйнайди,

раксга тушиб тўймайди.

Сакрап шодон тойчоклар,
дуккайлайди оёклар,

Ўйнайди-ё, ўйнайди, раксга тушиб

толмайди.

Этак ҳосилга тўлсин, қадамлар куттулг бўлсин,

Мактабимиз боғида, болалар

ўйнаб қолсин

Ўйнайди-ё, ўйнайди-ё, раксга тушиб

толмайди.

Бошловчи: Қўёшнинг тафти келди,

совиб кетди тупроқлар.

Гулхонга ўхшайди, боғлардаги япроқлар.

Учуб кетарлар күшлар,

иссиқ юртларга бошлаб.

Ғамгин учуб бораарлар, маконларини

ташлаб.

Она табиат жуда серҳиммат, эл бер

иб жило, асрар, ардқолар.

Ўсган ҳар бир никол инсонга иқбол,

Роҳатдир жонга гулу чироқлар.

Рақс «Ликопча билан рақс», «Барг билан рақс».

1. Эрталаб ё тушликка ёзамиз биз

дастурхон.

Дастурхонга зеб бериб хид таратар

қовунжон.

2. Ноз-нельматнинг сараси ва табиат

инъоми.

Бу неъматни яратар, олтин қўллар

мехнати.

3. Ширинлиги тил ёарар, ҳиди ўткір

бўйи паст.

Пишганини кўрдим-у, ейман дея кил-

дим қасд.

4. Мана қовун пуштаси, усти тўла кўк

палақ.

Кўк палақлар ичда пишиб ётар хандалак.

5. Шудринг тушиб туклари бир оз намга ўхшайди.

Усти йўл-йўл, сарик, кўк беқасамга ўхшайди.

6. Олиб келиб сўйганда шарбати оқиб кетди.

Еган ҷоғда мазасин жуда ҳам ёкиб кетди.

(Афанди кириб келади. У ўзи билан хуржун олиб киради, ичда ун, гуруч, сабзавотлар, мевалар, пахта ва бошкалар)

Афанди: Асалому алайкум, болаларим, невараларим, ширин-шакар чевараларим.

Бошловчи: Ассалому алайкум, Афанди бобо!

Афанди: Э-ҳайрият, топиб келдим, етиб келдим. Воҳ, белда, бел қолмади, эшагим ярим йўл юриб, чарчаганидан бир жойда тўхтаб қолди. Иложи йўқ, пиёда келяпман.

Йўлда келгунча, одамлардан эшишиб қолдим. Сизларда «Қовун сайли» бўлаётганлигини. Бирдан сизлар томон йўл олдим, эшагим эса юрмай қайсарлик қилди. Мен кечикмадимми?

Бошловчи: Йўқ, кечикмадингиз, биз жуда ҳурсандмиз, келинг, ўтиринг, дам

(Ҳамисини ичидан, энг ширинлигини танлайди ва кўлига олиб, шу қовуннинг эгасини мактайди).

Афанди: Ана шу қовунни энг мазали, ширин, ҳани эгаси билан танишайлик-чи, сиз қайси кишлоқдан, шаҳардан?

(Декон ўзини таниширади.)

Афанди: Баракалло, баракалло, сизларга таъзим, шунчалик меҳнаткаш сизлар, то пишгунча, ҳосилини зўр бўлсин деб, жонини аямай ишлашган, парвариши килиб ўстириган. Мана ҳалқимизга етишириб берган.

«Қилсанг меҳнат, қиласан роҳат».

Бошловчи: Бобоҳон, сиз яхши кўрган қовунлар қайси эди?

Афанди: Мен яхши кўрган қовун, бу хандалакdir, хушбўй ҳиди, ширинлигини, эсласам егим келади.

Хандалакжон, хандалакжон,

О, хидинг хушбўй мунча.

Қўлимга олиб сени,

Хидласам то тўйгунча.

Хидладиму, тўймадим, хидладиму ўйладим:

Деконларга қойил-э, экканларга қойил-э.

Бунчалик ширин ҳидни, бунчалик ширинлиники,

Келтирикаркан қаердан? Наҳот олсалар ердан?

Деконларга қойил-э, экканларга қойил-э.

Қувонч тўло дилимда, қўйинг янграр тилимда.

Афанди:

Мана қаранг ана боғ, пахтлар хирмони тог,

Келинг бирга тераиллик хирмон, хирмон пахтани.

Үйин: «Пахтани тер» (ким тез тера-ди)

Афанди: Келинг

энди хозир сизларга то-пишмоқ айтаман, сизлар эса жавобини топиб, менинг саватимга солиб кетасизлар.

1. Бир онадан юз бола, юзлви ҳам бўз бола... (узум)

2. Кичина декча, ичи тўла михчадим... (анор)

3. Қат-қат қулок, дўм-дўмалок... (карам)

4. Ер тагида олтин бош... (шолғом)

5. Бухородан келган фил, орқасидан тасма тил... (қовун).

- Офарин, топагон болалар экан сизлар.

Тома-тома бошлади, эрталаби томилар.

Осмон кўзи ёшланди, ёмғир-ёмғир бошланди!

Қўшик: «Ёмғир»

Мусика остида Бобур бобо кириб келади ва ўз боғидан узилган мева-ларни хадр этади.

Бобур: Ассалому алайкум, болалар, асса-лому алайкум дўстим.

Афанди, эсон-омон юрибсиз-ми, кайфиятлар яхши-ми?

Мана ўз боғимиздан ҳосил йигилган мевалар ва сабзавотлар, боғимиздан дараҳтлар ҳосилга кирган, полизларда одамларим сизга ҳам ташлаб, келинг ўтириб тингланг.

Қўшик: «Набиралар қўшиғи».

Боғим бор, гулзорим бор,

Бош бобоним бобомлар,

Ширин сўзли беозор,

Мехрибоним момолар.

Нақорат:

Невара-ю, чевара, эвара-

миз.

Бизлар ўйнинг чеваримиз, чеваримиз.

Остонамиз мұқаддас,

Аҳил ота-оналар,

Офтоб нури тугамас,

ҳавас қилар одамлар.

Нақорат:

такрор.

Ниятимиз пок нури,

Шундан бизлар турурли,

Бобо, момомлар билан

Яшаш қандай сурурли.

Нақорат:

такрор.

Афанди:

Баракалло, оғарин, наби-

раларим Келинг, ҳозир сизлар билан бир

ўйин ўйнимиз, «Мева ва сабзавотлар».

Бу ўйинда ўз зуқколигингизни, чакқон-

лигини ва билимларини синаймиз, мана аралаш мева ва сабзавотлар. Шуну ҳам-

масини меваларга ажратиб, сабзавотла-

рини алоҳида кўйиб иккى саватга т

СҮНГИ ПУШАЙМОН..

Дам олиш кунларида бирида кўчамиздаги хонадонларнинг бирида фалокат юз берди. Кеч соат ўн бирларда кўча деразаси томонидан аёлларнинг ўқинчли фарёди, қичқириқлари эши-тилди. Кутимаган бу овозлардан ҳаммамиз кўркиб кетдик. Қўшнилар бир зумда кўчага югуриб чиқдилар. Не кўз билан кўрайликки, қўшнимизнинг уйига ўт кетибди. Ёнгин жуда тез бошланганигидан уй эгалари ҳам сезмай қолишибди. Бир зумда ўт ўчириш машиналари, тез ёрдамлар етиб келди. Уй эгаларининг ҳаётлари сақлаб қолинди. Аммо уйдан фақат гина кул қолган эди.

Мана, ёнгин содир бўлганига ҳам икки ҳафта бўляпти. Маҳалламиз томонидан уй эгаларига кийим-кечак, моддий ёрдам берилди. Лекин уйни тиклаш энди уларга осон бўлмайди-ку. Шунинг учун ҳам доим эҳтиёт бўлиб, электрларга, газларга, ёнгин чиқадиган барча нарсаларга эътибор билан қарашимиз лозим. Акс ҳолда сўнгги пушаймон -ўзингта душман бўлар экан.

*Хуршида САИДОВА,
Юнусобод тумани, Оқтепа маҳалласи.*

БИЗГА ЎРНАК ОПАМИЗ

Биз ўқитувчимиз Гулжаҳон Сайдовани жуда яхши кўрамиз. Улар камтар, меҳрибонлар. Опамизнинг меҳнатсварликлари боис мактабимизда ўтказиладиган барча мусобақаларда бизнинг синф ҳамиша голибликни қўлга киритади. Гулжаҳон опамиз ўзлари шеър, мақолалар ёзиб турадилар. Уларнинг шеърларини биз ўқувчилар ёд олганимиз.

Опамиз Республикада ўтказилган “Ижодкор ўқитувчи” кўрик танлови голиби ҳам бўлганлар. Шу билан бирга туманимиз бўйича ўтказилган “Йил ўқитувчиси” танловида биринчи ўринни олиб, вилоят миёсига чиқанлар.

Биз ўқувчилар ана шундай устозимиз борлигидан фахрланамиз. Янги ўқув йилида уларга соғлиқ-омонлик ва доимо бизга ўрнак бўлиб юришларини истаймиз.

*Дилшода БОБОЁРОВА,
Гўзал ТОЛИПОВА,
Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги
45- мактабининг
7-“Г” синф ўқувчилари.*

**ЗУХРАНИНГ КАЛТА ЮБКАСИ...**

Кўчада юрсангиз беихтиёр калта юбка қийган, соchlарини сўнгти модада турмаклаган қизларга кўзингиз тушади. Яқинда ойна-жаҳон орқали намойиш этилган “Тоҳир ва Зуҳра” фильмидаги Зуҳранинг кийими эса негадир менга ёқди. Зуҳра калта юбка кийишига қарамай, соchlари ўзбекона майда қилиб ўрилган, бошига эса дўппи кийиб олган. Бу соchlарга, бу дўппига калта юбка ҳам мос тушгандай, назаримда.

Яна эътибор берсангиз, қизлар ўзларига ярашса ҳам, ярашмаса ҳам шим кийиб олишади. Майли, шим-кийишса ҳам соchlарини ўстириб майда ўриб юришин. Шунда уларни кўрганлар бу ўзбек қизи экан, деб ҳавас билан боқишиади. Шим кийиб тўйиб бўлишгандан кейин ўзимизнинг бувижонларимиз севиб кийган атласни ҳам эслаб қўйишса ёмон бўлмас эди.

*Моҳира Абдуллаева,
273-мактаб ўқувчиси*

O'ZBEKISTON BOLALARI QO'SHIG'I

Bizlar ozod Vatanning Baxtiyor bolalari, O'zbekiston chammanning Yashnagan lolalari.

Ertamizga ilmdan Qo'ymoqdamiz poydevor, Bo'lsak qancha bilimdon Shuncha gullaydi diyor.

Bobolar jasoratin Dilimizda saqlaymiz. Jasorat ko'satmoqni - Biz ham juda xohlaymiz.

Garchi bugun yoshdirmiz, Garchi bugun bolamiz, Ertal yurtga boshdirmiz, El shuhratin yoyamiz.

DARAXT

Yoz, kuz, qish, bahor bo'lsin, Joyidan hech jilmaydi. Qor, yomg'ir yog'ar bo'lsin, Bekinishni bilmaydi.

Tik turgancha atrofin Kuzatadi indamay. Go'zal libos-yaprog'in Kuzda to'kar bildirmay.

Saratonda soyadir, Issiqdan saqlar bizni. Bahor, yozni sevadir, Yoqtirmaydi qish, kuzni.

BOBOLARIM

Bobolarim hech qachon siz, Shuhrat deya yonmadingiz. Ezgu-ishlar-kashfiyotga, Qonmadingiz, qonmadingiz.

Yashadingiz bir umrga, Inson uchun, savob uchun. Oxiratda berilguvchi, Savollarga javob uchun.

Boshlarimga ko'taraman, Yozgan har bir kitobingiz. Yuragimda yonib turar, Aql nuri-mohitobingiz.

Dunyo menga havas qilar, Bobolari dono, zo'r deb. Aytishmasin deyman hech vaqt, Nabirasi chiqli zo'r deb.

**ISTIQLOLIM**

Tegmasin sovuq shamol, Kun sayin ochgin jamol. Tobora topgil kamol, Istiqlolim, istiqlol.

Ozodmiz, baxtiyormiz, Orzuli, ahdi bormiz. Buyuk madadkorimiz- Istiqlolim, istiqlol.

Bugun dunyo hayratda, To'lganmiz kuch-g'aytratga, Shon quchamiz albatta, Istiqlolim, istiqlol.

Chinorday mingga to'lgin, Yurtimni gulga ko'mgin, Doimo omon bo'lgin, Istiqlolim, istiqlol.

KITOBLAR

O'qisam qalbim jo'shar, Aqlimga aql qo'shar. Xuddi ostobga o'xshar, Kitoblar, bu kitoblar.

Insonni daho etgan, Aqlda tanho etgan. Saodat ato etgan, Kitoblar, bu kitoblar.

Dunyon kezmasam ham, Ko'rgandayman o'qisam. Zulmatda yoqilgan sham, Kitoblar, bu kitoblar.

Turob NIYOZ

Yaqin do'stim, sirdoshim, Toblar aql, bardoshim. Yetkazar ko'kka boshim, Kitoblar, bu kitoblar.

**YULDUZNING ORZUSI**

Onamning ko'z qorasи, Dadamning sho'x qiziman. Buvim jigaporasi, Buvamning kunduziman.

Orzularim bir jahon, Yuragimga sig'maydi. Ular usholmaş oson, Buni kim ham bilmaydi.

O'rganaman, o'qiyanan, Shamol kabi tinmasman. Kuylayman, she'r to'qiyanan, Yalqovlik ne bilmasman.

Maqsadim -hur elimning, Dono qizi bo'layin. Har ishda zo'r elimning, A'lo qizi bo'layin.

РУСТАМ - РУСТИК ЭМАС

Чақалоқ дунёга келиши билан ота-онаси, бувии бувалари исм танлашга тушадилар. Иложи борича сермаъно, жозибали ва чироили исм қўйишга ҳаракат қиласидилар. Турли лугатларни, китобларни варақлаб, анча тортишувлардан сўнг барчага ёққан исмни қўядилар.

Ха, ота-боболаримиз “Исм - ярим тақдир” деб бежиз айтмаганлар.

Аммо шунча изланишлардан сўнг қўйилган исм инсон ҳаёти давомида ўзгариб кетиши ҳам мумкин экан. Айниқса, ўзимизнинг миллий, ўзбекча исмларнинг русча бузуб айтилиши жуда аянчли ҳолдир. Бундай ҳолатда исмларнинг асл маъноси ўйқолади. Масалан, қизларнинг гўзал исмларидан бири Моҳина - Махи деб айтилади. Бу исмнинг асл маъноси “моҳ”, яъни ой сўзидан келиб чиқсан. Махи сўзининг маъноси эса йўқ. Бундай мисоллардан бир қанчасини келтиришим мумкин. Ботирни - Ботя, Рустамни - Рустик, Толибни - Толик, қизларнинг исмларини санамасам ҳам бўлади. Нима учун ўзбекча гўзал исмларимизни русча қилиб бузуб айтишимиз керак. Ахир руслар ўз исмларни ўзбекчалаштиришмайди-ку!

Мустақилликка эришганимиздан сўнг урфодатларимиз, миллий қадриятларимиз тикланаётган бир даврда инсон ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган исмларни ўзгартириш ўзбекчиликка тўғри келармикан?

*Шаҳноза РИХСИЕВА,
274-мактабнинг 9-“Б” синф ўқувчиси.*

БИЛАФОН БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА

Сиз «Тонг ўлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайнин билагон ва топагонлигинизни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белтилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: билимли бўлинг. Чунки осмонни ўлдузлар, ерни эса билимлар бераз.

Сизнинг «Тонг ўлдузи»нгиз.

АЖАБО...
**ИНСОН - ИССИҚҚА ЭНГ
ЧИДАМЛИ МАВЖУДОТ**

Одам дунёдаги барча тирик жонзодлар орасида иссиққа энг чидамлисидир. Бундай холосага машхур инглиз физиклари Благден ва Чентри бир неча бор келишиди.

Энди ёрқин исботларга ўтайлик, масалан, Марказий Австралияни олайлик. Ёз фаслида бу ерда ҳарорат соя жойларда Цельсий бўйича камид 55 градус бўлади. Ер юзида эса, яъни табиатда энг юқори ҳарорат 57-58 градусни ташкил этади. Бундай жазира маиси Африканинг кўпгин на жойларида ва таажжубки, АҚШнинг Калифорния штатидаги "Улим Водийси"да кузатиш мумкин. Айнан шудаҳшатли иссиқ учун ҳам АҚШнинг бу ҳудуди "Улим Водийси" деб аталган.

Метеорологларнинг таъкидлашича, улар бирон-бир иссиқ ҳудуддаги ҳароратни айнан соя жойларда текширадилар. Чунки иссиқ, яъни қўёшли жойда ҳарорат текширилганда градусник, термометр қўёш нуридан таъсирланаб, ишламай қолади ёки ҳароратни нотўғри кўрсатади.

Одамзоднинг иссиқ ҳавога бу қадар чидамлилигига асосий сабаб эса қўйидагича: Инсон тирик жонзодлар орасида ўз танасидан энг кўп тер ишлаб чиқарувчидир. Жазира маиси вақтида айнан мана шутерлаш инсонни иссиқдан сақлайди, тандан чиқаётган тер қўёшнинг иссиқлик кучини бир неча маротаба камайтиради. Инсон эса иссиқка бардош беради.

Айнан иссиқликни чиқараётган жисм инсон танасига тегмаса ва ундан узоқда бўлса бас, инсон Цельсий бўйича 100 градус иссиққа ҳам чидайверади. Бу нарсалар Англия ва АҚШлик физиклар ва илмий тадқиқотчилар томонидан кўп маротаба исботланган.



ДУНЁДАГИ ЭНГ ЗАҲАРЛИ ЖОНИВОРЛАР

АҚШнинг Си-Эн-Эн телекомпаниясидан олинган маълумотта кўра дунёдаги энг заҳарли жониворларнинг рўйхати қўйидагичадир:

Жонивор номи	Унинг заҳарли органи	Жонивор одамни чақиб олгандан сўнг, инсон танасида рўй берадиган ўзгаришлар
1.Корақурт	Ниши ва сўлаги	Тана оғриғи, баъзида ўлим билан тугайди.
2.Чаён	Думидаги ниши	Кучли оғриқ, баъзида ўлим.
3.Заҳарли калтакесаклар	Тишлари ва сўлаги	Оғриқ, иситма чиқиши.
4.Кора бўйинли кобра	Тиши ва сўлаги	Кўр бўлиб қолиш.
5.Ўқилон	Тишлари ва тили	Даволанмаса ўлим билан тугайди.
6.Кирол Кобраси	Тиши ва сўлаги	Укол қилинмаса, уч дақиқа ичиде бемор ўлади.
7.Денгиз илонлари	Тишлари	Кучли оғриқ.
8.Гюрза илони	Тили ва сўлаги	Оғриқ, вақтида укол қилинмаса натижаси ўлим.
9.Эфа илони	Тишлари	Кучли оғриқ, баъзида ўлим билан тугайди.
10.Сколопендра (заҳарли қиркоёк)	Ниши ва сўлаги	Тери яллиғланиши, кучли оғриқ.
11.Денгиз типратикани	Тиши ва тиканлари	Бўғилиш, вақтинчалик шол бўлиб қолиш.
12.Тошбалиқ	Тишлари ва сўлаги	Хушдан кетиш, акашак бўлиб қолиш, баъзида ўлим билан тугайди.
13.Думсанчар	Думидаги ниши	Мускулларнинг ишламай қолиши, қон босимининг тушиб кетishi.
14.Медуза хиродропус	Тишлари	Яра тошиши, бехушлик, оғриқ.
15.Зебра-балиқ	Танасидаги тиканлари	Оғриқ, бехушлик.
16.Тарантул ўргимчаги	Сўлаги ва ниши	Оғриқ, баъзида хавфсиз.
17.Бушмейстер	Тишлари	Оғриқ, баъзида ўлим билан тугайди.
18.Маржон аспиди	Тишлари	Даволанмаса ўлим.
19.Бунтар ёки пама	Тишлари	Бўғилиш, натижка ўлим билан тугайди.
20.Мамба илони	Тишлари ва сўлаги	Укол қилинмаса, натижка ўлим.

6 йир ўқ агрофида айланар дунё

ВЕНЕЦИЯ - КАНАЛЛАР ЎЛКАСИ

Агарда йўлингиз тушиб, мўъжизакор Венецияга ташриф буюрсангиз, у ерда кўчалар ўрнига сув билан тўлиб-тошиб оқаётган каналларнинг гувоҳи бўласиз. Бу шаҳар аҳолисининг пиёда юриши учун эса сувнинг (каналнинг) икки четида маҳсус йўлакчалар барпо этилган.

Венеция гўзал Италия юргининг мафтункор бир шаҳридир. Венеция Адриатика денгизининг шимолида жойлашган юзлаб оролчалардан иборат. Венециядага каналлар шу қадар қадимийки, ҳатто Венеция шаҳри барпо этилишидан 100 йиллар илгари ҳам бу ерда каналлар бор эди. Бу шаҳарнинг аҳолиси асосан маҳсус қайиқлардан фойдаланади ёки пиёда юришади. Венециянинг қадимий бўлган қисмига автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларининг кириши қатъян ман этилади. Венеция аҳолисини иш жойларига, мактабларга, бофчаларга ёки дўконларга элтиб қўювчи маҳсус қайиқлар - гондола деб аталади. Бу қайиқларнинг ҳам ўз ҳайдовчилари, яъни эшкак эшувчилари бор, улар гондолъёлар деб аталади.

Венеция жуда қадимий ўлка бўлиб, эрамизнинг II-III асрларида ёки бу оролчалардан иборат шаҳарга одамлар кўчиб кела бошлганлар. 1450-1470 йилларга келиб Венеция денгиз орқали савдо-сотиқ қилиш бўйича йирик марказга айланган эди, бошқача дайтганда, у улкан ва қудратли денгиз держаласи эди. Аммо XVI асрнинг бошларида янги савдо йўлларининг денгиз орқали очилиши муносабати билан Венециядаги савдо-сотиқ инқирозга учрай бошлади.

XVII-XIX асрларнинг ўрталарига қадар Венеция ҳудудида тинимсиз урушлар бўлиб ўтди. Венециядаги гўзал тарихий ёдгорликлар душманлар томонидан вайрон қилинди. 1866 йилда Венеция аҳолиси Италия Қироллиги таркиби кириш учун овоз бердилар.

Бугунги кунда Венеция Европанинг йирик маданият марказларидан бири бўлиб, бир қанча савдо-сотиққа мўлжалланган портларга эга.

ЭНГ УЗУН ДАРЁЛАР


Дунёдаги энг узун дарё Нил ҳисобланади. Унинг узунлиги - 6670 километрdir. Нил дарёси асосан Судан ва Миср ҳудудларидан оқиб ўтади, бу икки давлат ҳам Африка қитъасида жойлашган.

Узунлиги бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турувчи дарё - бу Жанубий Америкадаги Амазонка дарёсидир. Унинг узунлиги 6275 км. Дарвоқе, Амазонка дунёдаги энг серсув дарё ҳамdir. Амазонка Бразилия, Боливия, Перу, Колумбия, Эквадор ҳудудларидан оқиб ўтади.

Осиёдаги энг узун дарё эса, Хитойдаги Янцзи дарёсидир, узунлиги - 5520 км.

Шимолий Американинг Миссури ва Мисисипи дарёлари бир-бирига ярим йўлда қўшилиб кетиши туфайли улар бир дарё деб ҳисобланади. Уларнинг умумий узунлиги - 8150 км. Лекин Миссури дарёси Мисисипи билан фақат унинг қоқ ўртасига келгандагина бирлашади. Миссурининг Мисисипига қўшилмаган ҳолда узунлиги - 4400 км. Мисисипининг узунлиги эса - 3750 км.

Африкадаги Нил дарёсидан сўнг иккинчи ўринда турувчи энг узун дарё Конгодир, узунлиги - 4200 км.



ҚУЛОҒИМДАГИ ЧАЁН

Буюк Британияда бир ажойиб воқеа бўлиб ўтди, лекин бу воқеани бошидан кечирган инсон учун бу нарса ажойиб эмас, балки фожеали туюлиши ҳам мумкин. Бирмингем шаҳрида яшовчи Жон Барнс исмли кимса уйқудан туриб, қулоғи қаттиқ оғриётганинг сезади. Аввалига у бу оддий бир ҳолат бўлса керак, деб шифокорга мурожаат қилмайди. Кунлар, ҳафталар ўта бошлади. Оғриқ кучайса кучаярдики, лекин тўхтамасди. Барнс яшайдиган уй жуда ҳам эски бўлиб, пишган гиштдан қурилган эди.

Бир куни у икки қулоғининг ўртасида, яъни мияга яқин жойда нимадир қимирлаб, ҳаракат қилаётганини сезади. Оғриқка чидаётмаган Жон қулоқ дўхтирига мурожаат қилишга мажбур бўлади. Врачнинг узок тажрибага эга эканлиги туфайлигина фожеанинг олди олинди. Жоннинг қулоғига каттакон чаён кириб олган экан. Бир неча кун давомида чаён қулоқ ичиде ҳаракатланган, аммо Жонни чақмаганлигини мўъжиза деса ҳам бўлади. Жоннинг қулоғи буткул тузалиб кетди.

*Саҳифани ТошДШИ талабаси
Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ
тайёрлари.*

Устозларга ташаккур



ХҮЛ ЁФОЧ

Уста Мирзақул нақл қилишича бир ёғоч устаси сувда оқиб келаётган экан. Сув тошқинини кўриб, ваҳимага тушган бошқа бир киши устани қутқариб: «Бир уй куриб бермайсизми?» - дебди. Уста ундан: «Тахтангиз хўлими, куруқми?» - деб суриштирибди. Ҳалиги киши «Хўл» деб жавоб берибди. Уста: «Тахтанг хўл экан... нега мени қутқардинг? Хўл тахтадан буюм ясашдан кўра сувда оқиб кетганим маъқул эди» - деган экан.



ДАЧКОР ВА НАҚКОШ БАҲСИ

... Қадим замонда икки уста-даккор ва наққош баҳслашиб қолишибди. Ҳар бири ўз касбини мақтаб, унинг имкониятлари нақадар кенг ва бойлигини исботлашга уринар экан. Лекин бу баҳсада ким ҳақлигини ҳеч ким қатъий белгилай олмабди. Ниҳоят, кўпчилик маслаҳатлашиб, шундай тадбирни белгилашибди: - Бир хил шароит ва муддатда ҳар бир уста ўз маҳоратини намойиш этсин!

Бир хонани тенг иккига бўлиб, икки устага беришибди. Ўртага парда тортиб

Кай бир куни телевизорни кўйсам, профессор Шариф Юсупов ўз хотираларни хикоя қилаётган экан. У кишининг сўзларини тинглар эканман, «Ўзбекистон маданиятига газетасида, кейинчалик Ўзбек Совет Энциклопедиясида бирга ишланган давларимиз ёдимга тушиб кетди.. .

Бир куни ишхонамизга таникли санъаткор Аброр Ҳидоятов кириб келдиларда, Шариф Юсуповни кўриш ниятида эканликларини айтдилар. Мухарримиз Мумтоз Муҳамедов ҳам, биз ҳам хавотирга тушгандик. Якинда Шариф Юсупов Аброр ака ҳакида мақола ёзган эди, шунда бирор хатолик ўтганмикин-а? - деган ҳадикда эдик.

- Йўқ, аксинча, - дедилар Аброр ака биздаги хавотирликни сезиб. - Мен ҳакимда жуда кўп ёзишган. Лекин ҳеч бир мақола ва очерклар менга бу одамнинг мақоласиличик маъқул бўлмаган. Шариф Юсуповни бир кўриб, ўз миннатдорчиликни билдириб кетай, дегандим.

Бир куни газета саҳифаларини режалаштираётгандим. Кичикроқ бир хабар

ХУНАР ҲАҚИДА ҲАЛҚ РИВОЛТАРИ

Қадим замонларда бир чол ўшаган экан. Чол ўтин териб кун ўтказар экан. Чолнинг бўйи етиб қолган киши бўлиб, унинг ҳуснда, одобда, хунарда, зардўзликда тенги йўқ экан.

Бир куни отасини ўрнига ўтин териб келаётса, қаршисидан подшоҳ ўз навкарлари билан овдан қайтиб келаётган экан. Чолни қизини кўриб, севиб қолишибди ва саройга

боббозларга учраб қолишибди. Ка-боб емоқчи бўлиби. Кабоббозлар уни ичкарига киришни та-лиф қилишибди. Подшоҳ уйга ки-риши билан ертўлага кулаб тушибди. Ертўладан бир қассоб пичнони қайраб: «Жо-нингдан уми-дингни

ХУНАР ҲАҚИДА ҲАЛҚ РИВОЛТАРИ КИЛ СИР

узвер, энди сенинг гўштингдан кабоб тайёр-лаймиз» - дебди. Подшоҳ: «Гўштимдан қанча кабоб тайёр-лаб, неча тангага сотасизлар?» - деб сўрабди. «10 танга бўлади», - дебди қассоб.

- Мен гилам тўкишни биламан, тез кунда тўкиб бераман. Шу гиламни подшоҳга инъом этсаларинг, сизларга 100 танга бера-ди, - дебди у. Подшоҳ тез кунда чиройли гилам тўкиби ва чек-касига ўз муҳрени босибди.

- Қассоблар гиламни саройга олиб боришибди. Қиз гиламни кўриб муҳридан танишибди. Қас-собларни ушлашни буоришибди. Подшоҳни саройга олиб келтиришибди. Шундай қилиб подшоҳ хунар орқасидан тирик қолишибди. Хотинига нисбатан янам муҳаббати ортиб, қолган умрини шоду-хуррамлик билан ўтказибди.

Шундан кейин халқ орасида шундай мақол тарқалган экан.

**Хунар ӯрган, хунарда
кўп сир,
Ёпиқ эшикларни,
очар бирма-бир.**



кўйишибди, чунки улар ўзганинг ишини кўрмаслиги шарт эди... Усталар ишга тушиб кетишибди. Наққош эртаю кеч ижод билан машғул бўлса, ганчкор эса бунинг акси: у ҳар куни бир оз муддатгина ишлаб, сўнг сайд қилиб юар экан. Тез ора-

да ганчкор ўз ишини тамомлаганини эълон қилишибди. Наққош эса янада жадал ишлаб, ниҳоят ишни тугаллабди.

Энди усталар санъати ва маҳоратини аниқлаш учун эътиборли меъморлар ҳакамлик қилишибди. Орзиқиб кутилган он: ўртадаги парда олиб ташланишибди. Ажаб! Бутун хона ягона услубда безатилган. Қаёққа қараманг, ранго-ранг нақшлар жилоланади. Ганчкорлик қани? Маълум бўлишича, ганчкор уста девор сатҳига шундай текис пардоз берганки, у ойна каби қаршидаги рангли нақшлар аксини кўрсатган экан.

ПЕШИ ОДАМЛАР

хоргин эди. Олдимга шеърлар тўла бир попканни кўйди-да: «Ичидан танлаб ола-веринг», - деди. Ўша пайтларда ёшгина талаба бўлган Эркин Воҳидовнинг «Мажнунтот» номли шеъри менга ҳам, Шариф Юсуповга ҳам маъқул бўлди. «Бу бола шунчаки ҳаваскор эмас. Адабиётимиз майдонига истеъододли шоир одимлаб кириб келяпти» - дей баҳо берганди унга. Шу-шу Эркин Воҳидовнинг таҳриритимизга юборган шеърлари тўгридан-тўгри газетада босиладиган бўлди.

Ҳар гал мустақиллигимиз нишонлонган кунларда бир воеа бот-бот ёдимга туshaweradi: Бир куни мени юқорига ҷақириб қолишибди. Кўнглим гаш бўлиб бор-

дим. Эмишки, Пушкин номидаги маданиятни ва истироҳат бўғида Абдулла Орипов гояси бузук шеърлар ўқиганмиш. Шу даврада мен ҳам бўлган эканман.. .

Нурбек

Ёдимда бор, бодга мён, Қудрат Ҳикмат, Толиб Йўлдош, Абдулла Ориповлар шеърхонлик қилган-дик. Ишхонамиз ёнидаги ҳовузчага кимдир аквариумда бўқаётган балиқасини олиб келиб, кўйиб юборишибди. Ҳовуз балиқча учун ўзга бир оламдек туюлибди. Шоир Абдулла Орипов ана шу балиқча ҳакида ёзган шеърини ўқиб берган эди, холос. Ўшанда бегона бир йигит маҳолда «Мен ҳам шеърият шайдосиман» дей атрофимизда айлануб юргани ёдимга тушди. Ҳақиқатни қандай қилиб тушунтириб бераман, дей хомуш ўтиргандим, ёнимга Муҳсин Ҳамидов келиб қолдилар.

Асрол МУХТОРОВ
Ўзбекистон ҳалқ устаси

ЧАШМИ БУЛБУЛ

“ЗАНЖИРИ”

«Ўтган замонда бир подшоҳнинг хушрўй қизи бўлган экан. У мисгар устанинг ўғлини севиб қолишибди. Бу воеа элга овоза бўлиб, подшоҳ даргазаб бўлибида, йигитнинг отасини зинданга ташлатишибди. Йигит эса куну тун изтиробда янги нақш излабди. Ниҳоят, кумуш баркаш ҳошиясига отасини банди этган занжирнинг тасвирини нақшлабди. Мисгарнинг ўғли подшоҳ иродасига шак келтиришибди, деб йигитнинг бoshини танасидан жудо этишини буоришибди. Ана шунда бир донишманд уста йигит нақшлабан баркашни саройга келтиришибди. -Подшоҳим, - дебди донишманд, - ёш йигитнинг бир қошиқ қонидан ўting. У занжир ҳалқаси ичидага булбулнинг кўзини тасвирламоқчи бўлган экан. Лекин ясавуллар уни судраб келишган. Шу сабабдан бола пақир бунга улгуролмай қолган.

У шундай дебдию занжирлар ҳалқаси орасига нуқтлар кўйиб чизишибди. Нақшнинг худди булбулнинг кўзига ўхшаб олганини кўрган подшоҳ йигитни озод этишибди. Шу-шу бу нақшни “Занжира чашми булбул” дейдиган бўлишибди.

хотира

Гап нимадалигини билгач, эртаси куни ёк Шароф Рашидовнинг қабулига кириб, бўлган воеани сўзлаб берибдилар. Шароф ака Абдулла Ориповнинг шеърий китобчасини ўқиб чиқиб: «Улкан истеъододли шоирнинг шеърлари-ку, булар» дей юксак баҳолаган экан.

Орадан кўп ўтмай республика зиёлиларининг катта бир йигинида Шароф Рашидов сўзга чиқиб, ёш одибларга гамхўрлик қилиш, уларга ҳар тарафлама ёрдам бериш лозимлигини таъкидлаган экан. Ана ўшанда севимли шоирларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар боши устида тўпланаётган қора булултар тарқалиб кетганди.. .

Адабиётимизнинг шундай жонкуярлари борлигидан бошимиз кўкларга етанди.



ЮРТБОШИМГА ТАШАККУР

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
Мустақилдир диёrimiz, хур, озод.
Она тилим - давлат тили саналар,
Бу йил бизнинг йилимиз - "Софлом авлод".

"Болам" дейа бошимизни силаган,
Боримизга қиларлар минг бор шукур.
Келгусида порлоқ ҳаёт тилаган,
Бары учун Юртбошимга ташаккур.

Нилуфар ПҮЛАТОВА.

ҚИЗИНГИЗМАН

Салом қўёш, салом янги тонг,
Юртимизнинг тўйидир бугун.
Эй, тенгдошим, дилдан ўйна-кул,
Бахтимиздир тўкис, бус-бутун.

Дўст-ёрларга бағримиз кенгдир,
Душманларни асло қўймаймиз.
Озод, обод она юртимиз,
Тинчлигини биз қўриқдаймиз.

Нодираман - юртбошим қизи,
Порлоқ кундан умид-орзуси.
Она ҳалқим ишончин оқлаб,
Эртамизнинг порлоқ ёфдуси.

Нодира АКРОМОВА,
Юқори Чирчиқ туманидаги
10-мактабнинг 4-«Г» синф ўқувчиси.

Тенгдошингиз Мехриноз АЛИЕВА Андижон шаҳридаги Халқлар дўстлиги номли 1-гимназиянинг 5-синифида ўқийди. Баҳолари беш, ўзи жамоатчи, интизомли қиз. Уйда эса онасининг энг яқин кўмакчisi. Бўш қолди дегунча, кўлига китоб олади. Ўқиб-ўрганади, ўзи ҳам шеърлар машқ қиласди. Иزلапувчан, мақсад сари интилувчан қизалок. Мехринозхонинг тафаккури кенгайиб боришида шеъриятта ошнолик қўл келаяти деб ўйлаймиз. Тенгдошингиз ёзган шеърларини ўқинг ва унга омад тиланг. Эзгулик сари қўйган қадамлари дадил бўлсин, йўллари равон.

МУСТАҚИЛЛИК

Мустақиллик муборак,
Ўзбекистон Ватаним.
Тўққиз ёшга тўлибсан,
Сенга фидо жон-таним.
Ҳавас билан боқади,
Бугун сенга давлатлар.
Режаларинг улуғвор,
Ҳалқинг эса баҳтиёр.
Буюк боболар руҳи,
Қўлласин сени ҳар дам,
Асрлар оша яша,
Қўрмагин сира алам.
Ҳумо қушинг парвози
Янада юксак бўлсин.
Ҳар кунинг байрам бўлиб,
Шодлик қувончга тўлсин.

МАКТАБ

Она сўзин маъносин,
Ватан сўзин айлосин.
Ўргатдинг ҳеч эринмай,
Мактабим, жон мактабим.
Қўшув, ёзув, чизувни,
Бўлув, айрув, ўқувни,
Бари-барин ўргатдинг,
Мактабим, жон мактабим.

БОЛАЛИК

Бизлар баҳтиёр авлод,
Келажакка қуш-қанот.
Юртбошимиз ишонган,
Суянган соғлом авлод.

Истиқлоннинг эртаси,
Келажаккнинг эгаси.
Эзгу ишларнинг боши,
Мустақиллик меваси.

Ватан сарҳадларининг
Ҳар қаричин сақлаймиз.
Ватанинг туз, нонини,
Биз албатта оқлаймиз.

ХИЗМАТИДАН ЭЛ
МАМНУН

Икромжон Абдуллаев тадбиркорлик ҳаракатига қўшилиб, ўзи яшетган Шамсиқўл қишлоғида кичик цехни ишга тушириди. Бу ердаги Хитой тегирмони ва обжувоздан кўпчилик фойдаланаётган. Асли касби шофер бўлган бу саҳоватли инсон, Икромжон, яна бир хайрли ишга қўл урган. У қишлоқдаги 21-ўрта мактабда ўтказилаётган турли спорт ва санъат кўрик танловларига ҳомийлик қилмоқда. Аниқроғи, Икромжон Абдуллаев ўз ҳисобидан мусобақа голибларига, энг яхши деб топилган санъаткор ва спортчиларга турди хил қимматбаҳо эсдалик совғаларини топшириб бормоқда. Ҳимматингизга балли, деймиз Икромжон!

Носиржон МАМАДАЛИЕВ,
Андижон вилояти,
Балиқчи туманидаги
21-мактабнинг мусиқа
ўқитувчиси.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ГА



TONG YULDUZI

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

УмидАБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙҶАТИ:

Шуҳрат АҲМЕДОВ,

Йўлдош САИДЖОНОВ,

Ойниса МУСУРМОНОВА,

Хотам АБДУРАИМОВ,

Мукаррама МУРОДОВА,

Суннатилла ҚўЗИЕВ,

Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Jod dunyosi»
нашиёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусхада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ.
Буортма - K-8285
Газетани
Муҳаббат
МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Гулоз ВАЛИЕВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.

Тел: 144-62-34.



БЎЙИГА: 1. Йил фаслларидан бири.
2. Узум нави. 3. Саноқ сон. 4. Сабзавот.
6. Мамлакатимизда нашр этиладиган
журнал. 8. Сунъий сув йўли. 9. Тўп. 13.
Ҳарбий унвон. 14. Озиқ-овқат шина-
вандаси. 16. Қилинган меҳнатни тақ-
дирлаш. 17. Ҳисимликлар дўхтири. 22.
Сут ва гуручдан тайёрланадиган таом.
23. Арқонда юрадиган киши. 25. Ку-
лоққа осиладиган "таом". 28. Ёзувчи
Абдулла Қаҳҳор ҳикояси. 29. Кумда
қовурилган жўхори. 30. Қўшнингга
сотсанг бир учидаги ўзинг ўтирасан. 32.
Қўлнинг тирсакдан кафт бўғимигача
бўлган қисми.

